

шадок отларга шошқинли миниб, тум-тарақай чопа кетди. Кузиб отган билан ҳам, болаларми, қўлимиздан нима калар эди! Шундай бўлса ҳам тонг отгунча ўр-қирлар бор-ми, эски утов ўрииларни дейсизми, чолдевор — ариқлар дейсизми — ҳаммасини қараб чиқдик. Ҳеч бир нишона йўқ. Эгрлар бўлса ҳам ўқиганлари экан. Кўнламги экиш учун атайлаб боқилган семиз отлар эди, шуниси алам қилади. Шунинг учун болалар машабдаги ўқишнинг баҳридан ўтишган эди. Эгрлар бу ҳақда ўйларини ўйласа, ўғри бўлар-миди!

Мен бўлган воқеаларнинг ҳаммасини айтаётганим йўқ, ундан-бундан ҳикоя қилаялман, жанрдан четга чиқмаслик учун қисқартириб азялман. Агар ҳаммасини эславерсам, э-э-э, бизнинг Шөкер...

Воқеаларнинг ҳаммасини мен билан курдош ўсириллар бошидан кечирган. Бугун шу ҳақда ўйлаб, менинг тенг-тушларим нима учун бунчалик бардошлм, кўзлаган мақсад йўлида ҳеч нарсадан қайтмайди бўлиб ўсди!—деган саволга ўша оғир дамларнинг сабоғидан жавоб топаман. Бу айтилганлардан бугунги маъмурчилик даври ёшлари бўшанг деган маъно чиқмайди. Эҳтиётсизлик қилиб, яхшиликни ёмонликка йўйиш ҳеч гап эмас. Ҳар бир даврнинг ўз муаммолари, одам олдига қўядиган улкан талаблари бор. Гап ана шу талабларга жавоб баришда. Шунинг учун ҳам мақсад йўлида интилишлар бўлмас экан, енгил-алпи орау-ҳавасга ҳаёт бўйни эгмайди. Киши ичган ошига семирдиб, кийган кийимига мақтаниб, феъли тўқ бўлиб, тинчиб қолдимиз, инсонлик сифатидан маҳрум бўлди, даявернинг. Инсон маънавий тараққиётга бугунгидай шарт-шароит яратилди, деган ҳаёл ухлаб тушимизга кирмаган. Лекин гапнинг туғуни, аслида бунда эмас. Айтмоқчи бўлганим шуки, уруш вақтидаги сафдошларимнинг биронтаси учун бугун мен уялмайман. Биронтаси уятли иш қилган эмас. Ҳозир ували-жували, олди неварали бўлди. Инсон деган номин ардоқлаб келишавпти. Гап ана шунда. Қайси бирининг исминини тилга олмай, эл-юрт хизматига бел боғлаган азаматлар. Ана-ука «қўшчилар» — Байтиқ билан Тойирбек Тойсариевлар шу бугун ҳам чинакам заҳматқўрлар, суяги меҳнат билан қотган, овулда иззат-ҳурмати бор меҳнатқўрлар. Байтиқ — республикада машҳур таманичи завоовой. Тойирбек ишлаб чиқаришнинг, чорвачиликнинг илгори. Мумбаков Бойисбек ҳақида гапирдим, 46 йиллик умрининг 32 йилини муаллимликка бағишлади, икки йилдири, дундан кўз юмди. Тўхтақул Усубалиев дисобчиликдан ранслик даражасига кўтарилди. Ҳозир у қўшни «Бақайир» колхозининг раиси. Нуралиев Абдули дастлаб комсомол тодими эди, ҳозир колхознинг таниқли активи. Тўхтақул Маматқулов, Ботма Урозматов Шөкер оғули болаларининг ҳанча авлодини ўқитиб чиқаришди, ҳозир ҳам муаллим. Нуриал Жулбооева, Урозгул Усубалиева бошқа районларда ўқитувчи бўлиб ишлашади. Алимсайит Дўлбеков — кўп йиллик стажга эга ветфельдшер, Жаларбек Дўсалиев — ўрмон тўжаллигида ишлайди. Турғунбой Қозоқбоев Қирғизистоннинг йирик тўжалликларида бири бўлган «Россия» колхозининг раиси. Бу колхознинг ҳозир 60 минг кўйи бор. Мирзабой Йўлдошев — бизнинг Кирово районидаги яна бир йирик колхознинг бош бухгалтери. Фапар, Мадетбеков Норми театрининг машҳур артистларидан бири, ҳозир Қирғизистон ССР талқ артисти.

Бизнинг авлодининг қисмати шундай бўлди. Оғир кунларда бошланди, лекин мақсад ерда қолмади, ҳаракат зое кетмади.

Буюм қозоқ оқини Абай айтгани каби, ҳаёт бамисоли денгиз, тўлқин кетидан тўлқин келади, олдинги тўлқин-ақалар, кейинги тўлқин-уқалар, бунинг ортидан бунинг етилиб, улардан сўнг энди бошланч калаётган майда тўлқинлар ҳаракатга калиб, баюан чексиз денгиз тиним билмайди. Денгизнинг ҳаёти ана шундай..

Уруш йиллари ҳақида ўйлар эканман, бизнинг тенгқурларнинг маънавий дуниси бутунисича олдинги авлодининг, урушайтган фронтчиларнинг таъсирида шаклланишига имоним комил. Бу ҳақда кўп ўй-фикрлар билдириш мумкин. Азалдан авлод авлодга туташ, албатта. Тинч-тотув ҳаётда бу жараён отадан болага ўтган тажриба, азилмаган қонуни-қонда шаклида табиий бир ҳолдай туюлади. Уруш пайтида бўлса улчовларнинг ҳаммаси зичлашиб, ўтириқлашиб, чўққисига чиқди. Манас отанинг эстагида ўзи билан ўзи бўлиб турган бизнинг Шөкер дунгани ларзага келтирган улкан воқеанинг дамига тортилди. Ота юртини ҳикоя қилишга чаҳирланганлар ер юзининг бир четидан иккинчи четга кўчиб, фронтга кетди, урушдан сурилган эвакуация тўлқини бизга ҳам етиб

кетди. Эчкиловнинг эстаги, Қоратовнинг қўлидаги бизнинг Маймақ станцияси орқали, ундан нарида бизни кенг дунё билан боғлаган Жамбул шаҳри орқали эшелонлар арб билан Шарққа туми-қуни кетма-кет қатнаб турди. Душман билан солишиб ўтган улканнинг қон томири гум-бирлаб ураётганини биз шу темир йўлдан билиб турдик.

Фронт дегани ўзи нима, танкка юзма-юз келиш қандай бўлади, бомба қандай ёрилади, госпиталда ўтганда ҳаёлга имелар келади, ҳарбий хирурглар қандай одамлар, жанг майдониде ҳалок бўлиш дегани нима, бир умрдан иккинчи мрнинг фарқи қанча — шуларнинг ҳаммасини дастлаб бизга айтиб берганлардан бири овулимизнинг оқини Мирза-

боёй Уқуев бўлди. Ҳозир у киши орамизда йўқ. Лекин унинг қўшиқлари Манас отанинг ҳар бир бурчагидан янграб турилти.



Фронтдан ярадор бўлиб қайтган жангчи Мирзабой эди. Овулдошлари ҳаммамиз аспасига тўпланишиб, қувончимиз кўйинимизга сиймай кўтиб олдик. Аравадан тушириб, қўлига қўлтиқтайқ тутқазилганда бир оёғи йўғон сонидан йўқ эканини кўриб, ҳанг-манг бўлиб туриб қолдик. Бунақангисини кўрган эмасмиз. Оқсоқ-чўлоқ кишиларимиз бор эди. Кўпчилик орасида бўлади-да! Лекин бир оёғи бутунлай бўлмайди, деган балони эшитган эмасмиз. Чўчиб кетдик.

Бир вақтлар Мирзабой сўй-сумбатли аш йигит, муаллим эди. Кўк йўрга оти овулдагиларнинг оғзидан тушмас эди. «Мирзабойнинг йўргаси» деб кўйишар эди. Бошида қора-кўл телпак, остида кўк йўрга. Қайфияти яхши бўлганда, дўмбирасини қўлга олиб, азилиб қўшиқ айтганда кекса-аш-нинг ҳаммаси мамнун бўлар эди. Уша йигит ҳозир оёғи йўқ, қўлтиқтайқ билан юради, госпиталда нўп ўтган экан, бунинг устига эшелондан эшелонга ўтавериш, узоқ йўлда кўп юриб келганидан ранги куздаги чўпдай сарғайиб катган; овулдошлари орасида ҳамма кулса кулар, ҳамма йиғласа йиғлар эди.


Уша кунни кечқурун йиғилиб келганларга Мирзабой госпиталда эканлигида тўққан қўшиқларини айтиб берав экан. «Айланай сендан эл-юртин, Куркуровнинг бўйида омон-эсон бормисан» деди. Бизга янги бир дунё кашф қилгандай бўлди. Шунинг учун бу воқеа ҳозир ҳам унутилмайди. Йи-чилганлар ҳаммамиз ҳанг-манг бўлиб, Мирзабойнинг қўши-ғи билан уруш ҳақидаги ҳикоясига қўлоқ осиб, жим ўтирдик. Ҳар инм армияга кетган яқинларини эслаб, кўзларига аш олиб ўтиришди. Мирзабой ширали овози қирилгунгача кўрган уруш, бирга юрган йўлдошлари, соғинган овул-эли ҳақидаги қўшиқларини айтиб бериб, доваридан тушди.

Бадиҳағулик шу пайтда ўқинишли бўлади! Ҳаммаси ҳам эдимде йўқ, уни айтиб бериш ҳам қийин, лекин мазмунини бундай эди: турли халқларнинг ўғлонлари тўпланишиб, қўлга қурол олдик, эшелонга миндик. Онамиз — Ватанимиз бир экан, ҳаммамиз онанинг оқ сўтини эмганмиз. Онанинг оқ сўтини оқлайлик. Онанинг бошига иш тушганда, болаларини томоша қилиб тураоладими? Баландга чиқсам, таянчим — онам, пастга тушсам, мадақдорим — онам. Онамизга қасамд қилайлик, қадимги баҳодирлар сингари онг ичайлик, йигитлар. Улсақ, бир чўқурда, тирик қолиб енгиб чиқсам, бир тепалида бўлайлик! Ўрмон оралаб душман устига борар эканмиз, ана шундай ҳасемед қилдик. Шундан сўнг қаттиқ ҳирин бошланди, бомба тушиб, ер осмонга учганда нўк билан заминнинг ораси бир қаричдай кўринди кўзга. Биз шундай қилиб, Ленинграднинг биқинида қонли майдон-га кирдик.

Овулдошларига Мирзабой ана шуларни ҳикоя қилиб берди. Бу гаплар орасида ҳаммадан ҳам кўпчиликини тўлқин-

антиргани шу бўлдики, у армия машқларини Новосибирск-да ўтказиб, Фарбга жўнаганда бизнинг ана шу Маймоқ станциясидан ўтган экан. Поезд тўзтамасдан тешик тоғдан чиқиб, Талас тизма тоғининг эстаги бўйлаб Манас отанинг ёнидан ўтади, лекин Мирзабой қўл чўзса етадиган овулига янре олмайди. Ушанда ичига сиймаган аламини қўшиққа солган экан. Уша қўшиқ ҳамон Шөкер овулининг талқи оғ-зиде. Бизнинг маҳаллий «классикамиз» — ўша қўшиқ эдим-де:

Соғиниб келдим олисдан,  
чўзсамки қўлим отарым!  
Эй, Сўлим ўлнам Олатог,



Соғинчим ичде катарим!  
Қўш сийма каби Манасов  
Армонда келсам ўзингга,  
Куркуров сувидан бир ютмай  
Эласинг тушди кўзимга.  
Олатов юрти еримдир,  
Манас чўққи сўлимдир,  
Шашист ёни енгунча,  
Эслинг қайтиб келгунча  
Омон бўл, юртим, дегумдир.  
Қўшиқ жуда узун эди, эсимда қолгани шу. Уруш кунлари-да қанча йигитларни кузатган бўлсам, қанчасини кўтиб олган бўлсам, ҳар доим ана шу қўшиқни айтар эдик. «Юзма-юз» повестидаги Мирзақулнинг асли прототиби Мирзабой. «Юзма-юзда» фойдаланилган халқ қўшиқлари ҳам аслида Мирзабойники:

Олтиш вагон бир поезд  
Олиб учган паровоз.  
Овулимда қолган оғайни  
Ҳаммангизга хайр, дўш.  
Уша йилги кишда ўн саккизга тўлганларни фронтга кузат-дик. Мандан салгина улугроқ бўлган, кечагина бирга ўйнаб, бирга юрган ўртоқларим бугун кетишавпти. Уларнинг орасида менинг қариндошим, ўртоғим Жумабой Уринбеков бор эди. Лабидеги туқлари ҳали қил бўлиб улгурмаган ўсимр бола. Умрида кўргани мактаб бўлди, бир йилча колхозда ишлади, уша билан кетиб ўққа учди. Эсиз, ўйласам ҳозир ҳам ичим ачиди. Жумабойдан бошқалари қанча. Саримсоқ Бариев деган аш муаллим бор эди, умидли йигитлардан эди, у ҳам қонли майдонда қурбон бўлди. Бойисбек, Сей-талилар билан 1943 йилда тушган расмда мен Тўхтасининг костюмини кийиб турибман. У молния агенти бўлиб ишлар эди. Обдон иноқ эдик. Расм олиш учун келган фотограф мени «кийимнинг юпун экан» деганда, нарироқда турган Тўх-тасин Жўлдошбоев югуриб келиб, устидаги пиджанини ечиб берди. У ҳам фронтга кетганича қайтмади.

Ушаларни эсласам, арава жўнайверганда Жумабой қўшиқ бошлаб юборгани кунни кечагидай қўлоғимда турипти:  
Ашаддий ёни енгунча,  
Ой бориб омон келгунча  
Хайр энди эл-юртим...  
Арава кўча оралаб юриб кетди, араванинг кетидан биз чопдик. Мирзабойгина кузатиш ўрнига қўлтиқтайғига сўя-ниб, узоқдан қўшиққа қўлоқ солиб ўтирди.

Мирзабой овулининг кўрки эди. Фронтдан қайтгач, умри-нинг озирги кунларигача колхозда ҳисобчи бўлиб ишлади, партбюронинг аъзоси бўлиб юрди. Колхоз йиғилиши бўла-димиз, армиядан келганлар шаинга шодийна бўладимиз, аза бўладимиз, ақли гапларини гапириб, маслаҳатини аямайди-ган, пайтин топса, қўшиқ айтиб берадиган киши эди. Қийин-чилиқ пайтларида яхши қўшиқ аламини касади, ғайрат бера-

ди, куч қўшади.  
Шөкер овулимизнинг урушдан кейин эр отган болалари Мирзабойдан қарздор, биз ўқишни ташлашга мажбур бўл-ганимизда у жуда ҳам хафа бўлган эди. Қирқ тўртинчи йил кирганда — уруш Фарбга узоқлашганда, меҳнат армиясида-гилар қайтиб, фронтдан кишилар кўпроқ нела бошлагандан кейин Мирзабой бизни ўқишга шошилтирди. Бир тўп бўлиб қайтадан партага ўтирдик. Уруш тугагандан сўнг мен Жам-булдаги зооветеринария тизинкумига ўқишга кетдим. Эл-юрт холдан тойган, очарчилик ҳумрон пайт эди. Бир та-нафус вақтида бирга ўқиган болалардан биттаси менга «ёсени қўлтиқтайқли киши излаб юрибди», деб қолди. Югу-риб ташқарига чиқсам, Мирзабой ака, мўйловини бураб олиб, жилмайиб турибди. Менинг хурсанд бўлганимни кў-ринг.

— Иш билан базага келган эдик, бир кўриб кетай дедим.  
Уқишлар қалай?

— Қол-ақолимизни айтиб бардим. Мамнун бўлди.  
— Буаққа юр-чи, — деб кучага юз тугди. — Бир нарса олиб келган эдим, аравада қопти, — деди. Ҳовлидан чиқдик.  
— Гап бундай, — деди ўшанда Мирзабой ака. — Қийнала-вганларини биламан, ҳозир оғир пайт. Лекин ўқишни ташлай кўрма. Бундай қилишга ҳаққимиз йўқ. Уруш тугади. Агар жудаям қийналиб кетсанг, хабар қил. Овул-аймоқ эмасмизми, бир иложини қилармиз. Уқишдан бошқа нарса-ни уйлама...

Мирзабойнинг сафдоши, энг яқин ўртоқларидан бири — бизнинг овулдан чиққан илгор комбайнчи, кекса коммунист Тўйлибой Умувалиев ҳам бизга йўл кўрсатган устоз эди. Тўйли ака ҳозир неварра-чеварали оқсоқол. Угли Сатий Тўй-либоев «Кўксой» совхозда тоғли қўйлар боқадиган орден-ли чўлон. Сатийнинг болалари ҳам кетма-кет улгайиб кели-шавпти. Улардан бошқа ҳам неваралари бор. Тўйлибой оқ-соқол овулда ҳам, бошқа ерларда ҳам ҳурмат-иззатда.

Энди Улуу Ғалабининг 30 йиллиги олтидан у киши ҳақи-да ёшларга ҳикоя қилиб берадиган сўзларим бор. Уруш пайтида Тўйли ака овулда энг керакли киши эди. Шунинг учун ҳам ўз ихтиёри билан фронтга кетмоқчи бўл-ганда райондагилар жавоб беришмаган. Қанчалик эътибор-ли механизатор эканлигини шундан билса ҳам бўлади. МТСда бир неча колхозга хизмат қиладиган биргина ком-байнчи бор эди. Комбайнни қандай қилиб ҳайдаганини ҳо-зир айтсам, кўплар ишонмаслиги мумкин. Ҳозир бундай машинани ремонт қилиш у ақда турсин, аллақачон темир-тарсақка топшириб юборишган бўлур эди. Тўйли ака эса ўша вайронаси чиққан комбайнга жон кирғизиб ишлатди. Мен «Ҳамиларда ёзган комбайнчи ўша эди. Қирқ тўртинчи йили ўроқ пайтида мен Тўйли акага ёрдамчи бўлиб ишла-дим. Комбайн юриб турганда кун-туни тиним билган эмас. Хосил тўчилиб, ҳамма нарса фронтга жўнатилаётган пайт... Энг фидокорона меҳнатни умримда шу ерда кўргандайман. Нима бўлса ҳам, ҳеч қачон унутолмайман. Экин ўраётганда Тўйли акани қоракурт қақиб олиб, эс-ҳушини билмай йиқил-иб қолган. Ўшанда ўроқдеги кишилар ҳаммаси йиғилиб, қўлидан келганини қилишиб, йиғламаган одам қолмади, кўп-нинг оғу-фигони етдимиз, ҳар қалай икки-уч кунда Тўйли ака комбайнни яна ҳайдаб кетди, фронт учун экин ўришга кириш-ди... Мен ана шундай кишилар билан ишлашганман.

Мана энди ана кулиб баҳор келди. Ер яшил либос ёпи-ниб, кўзларини эргаштирган хура-кура қўйлар октябрь-да айрилиб юришибди. Асфальт йўллар ялтирайди. Унг то-монга қарасангиз, ям-яшил кузги экин, сўл томонга қараса-нгиз тракторлар югурётган баҳорги экин далалари. Мана, осмоиёлар мўриларидан тутун бурқсийган қозоқ шаҳри Жамбул, урбанизациянинг бугунги суръати билан ўсаётган шаҳар, бир замон карвонсарой бўлган Аэлиёта.

О, бирдан оқ қорию, хўк музи нўшда ялтираб, юксак қўш чуққили бизнинг Манасота кўринди.  
Москвани ҳикоя қилган чангичи ротанинг сийсий раҳба-ри, ҳозир Жамбул область партия комитетининг биринчи секретари Ҳасан Бектурганович Бектургановнинг бир айтга-ни эдимга тушади: ҳар бир солдатнинг бўйнида фронтдан абадийликка олиб келган фарзи-қарзи — жангу-жадалда қурбон бўлганлар рўзи олдида ўзини уятли сўзмай, ару-раш, талқини бахти учун яшаш демакдир...  
Ҳақ сўз. Ватан учун қонини, жонини қурбон қилганлар-дан қарзимиз шу.  
Катта йўлда Манас отанинг оқ қори-кўк музига боқар эканман, хаёлимга ана шулар келди.  
Дунё тургунча тур, муқаддас Манас ота!  
Қирғизчадан Сўйи ҚОРАЕВ таржимаси.